



“ 28 ” февраль 2020 у № 2

**“Товарлар ташқи савдоси статистика ҳисобини
ташқил қилиш бўйича услубий низом”га ўзгартиришлар
ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, товарлар ташқи савдоси статистика ҳисобини ташқил қилиш услубиятини такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 18 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Товарлар ташқи савдоси статистика ҳисобини ташқил қилиш бўйича услубий низом”га иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

Раис

Б. Бегалов

**Товарлар ташқи савдоси статистика ҳисобини ташкил қилиш
бўйича услубий низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. 2-бандда “Шу билан бирга,” сўзидан кейин “Ўзбекистон Республикаси” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 5-банд “CIF, CIP, FOB ва DAF тушунчалари Савдо атамаларини талқин қилишнинг халқаро қоидалари (Инкотермс) билан белгиланади.” деган жумла билан тўлдирилсин.

3. 8-банд “Ўзбекистон Республикаси товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, ТИФ ТН билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (кейинги ўринларда - ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириш, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиш калитлари ёрдамида амалга оширилади.” деган хат боши билан тўлдирилсин.

4. 11-банд 2 хатбошидаги “15-санасида” сўзи “ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январигача” деган сўзларга алмаштирилсин.

5. 15-банд “Худудий ва идоравий ташқи савдо статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, Давлат статистика қўмитаси, қоида тариқасида, хўжалик юритувчи субъектларга мос келадиган худудий ва идоравий мансублик белгиларидан фойдаланади. Ўз ўрнида, худудий мансублик белгиси хўжалик юритувчи субъекти жойлашган (давлат рўйхатидан ўтган) манзил билан белгиланади.” деган хат боши билан тўлдирилсин.

6. 16-банд “Табиий газ ва электр энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги расмий статистик маълумотлар, шунингдек, божхона статистикасида ҳисобга олинмайдиган айрим товарларнинг экспорт ва импорт ҳажмлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги кўрсаткичлар, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари кесимида тақсимланмайди.” деган хат боши билан тўлдирилсин.

7. “8, 9, 10, 11, 12, 13” банд тартиб рақамлари мос равишда “9, 10, 11, 12, 13, 14” тартиб рақамларга ўзгартирилсин.

8. Ташқи савдо статистикасини шакллантириш чизмаси иловаси билан тўлдирилсин.

Товарлар ташқи савдо статистикаси
ҳисобини ташкил этиш услубий
қўлланмасига илова

Ташқи савдо статистикасини шакллантириш чизмаси

